



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ХУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

1996 йилнинг январидан нашр этилади

1 iyun — Xalqaro bolalarni Himoya qilish kuni

БОЛАЛАР ХУҚУҚИ ДАХЛСИЗ

Бошлангич синф ўқувчиларига таълим бера бошлаганимга йигирма йилдан ошди. Мана шу давр мобайнида турли феъл-атвордаги болаларга сабоқ бердим. Баъзан ҳамкасбларимиз "тарбияси оғир болалар", деган гапни тез-тез тилга олишади. Бугун, 1 июн — Халқаро Болаларни Ҳимоя қилиш куниди шу ҳақда фикр-мулоҳаза юритиш ниятидаман.

Сўзимнинг бошида шунга таъкидлаб ўтишни истардимки, боланинг ёмони бўлмайди. Демак, "тарбияси оғир бола", деган ибора ҳам нисбий тушунча. Боланинг, болаликнинг ўз ҳақ-ҳуқуқлари бор. Ҳар қандай бола дунёга ўз нигоҳи билан қарайди. Ҳар қандай боланинг ўз қаричи, яъни ўз дунёқараши бўлади. Биз — ўқитувчилар, ота-оналар ва боланинг атрофидаги катталар улардаги данёқарашни шакллантиришга ҳисса қўшамиз, холос. Лекин зинҳор уларни тўлиғича ўз йўриғимизга солишга, мажбуран бошқача фикрлашга ўргатишга ҳаққимиз йўқ.

Ҳар бир бола илк тарбияни уйда ўз ота-онаси, ака-опалари, кўни-кўшиниси, қисқаси, атрофидаги яқинларидан олади. "Кўш ўз уясида кўрганни қилади", деганда доғишманда боболаримиз айнан мана шу ҳолни назарда тутган бўлса, ажаб эмас. Ҳар таърибамда яхши хулқ-атворга эса ота-оналарнинг фарзандлари баъзан ёмон йўлларга кириб кетганига ҳам гувоҳ бўлганман. Ёки, аксинча, оилавий муҳити яхши бўлган болалар орасида илгарақ чанқоқ, интилувчан ва шижоатли болаларни ҳам учратганман.

Шу, бунинг сабаби нимада билан изоҳланади?

Биринчидан, ўзларини зиёли ҳисобловчи ота ҳам, она ҳам доимо иш билан банд бўлган оилаларда бола тарбиясига эътибор сусайиш ҳоллари ҳам учраб туради. Бундай ота-оналар аксарият ҳолларда фарзандларининг кундулик дафтарларидаги баҳолари билан қизиқишади. Агар баҳолар яхши бўлса, улар ортиқ тергаб ўтиришмайди. Фарзандлари бўш пайтларида нима билан машғул, унинг дўстлари кимлар, деган саволлар уларни ўйлантирмайди. Уларнинг назарида, болалари яхши боҳага ўқияптими, демак, ҳаммаси жойида.

Шу ўринда кўп ота-оналар хатога йўл қўяди. Болани, айниқса, ўсмир ёшидаги фарзандни бежиз навниҳол дарахтга қиёслашмайди. Чунки ўсмир ёшидаги болани ҳар томонга буриш мумкин. Айни шу ёшда инсон феъл-атворида ўзгарувчанлик намойиш бўлади. Шунинг учун ҳам биз бола тарбиясига бирор дақиқа ҳам бера-фарқ қарашга ҳаққимиз йўқ.

Ўсиб-улғайиб келаётган ҳар бир боланинг тарбияси олдидаги масъуллик биз, ота-оналарнинг миллат, халқ олдидаги бурчимиздир. Улар, яъни болалар яхши тарбияланиш ҳуқуқига эгадир. Уларнинг бу ҳуқуқларини бузишга, даҳл қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Энди иккинчи, оилавий муҳити ҳавас қиларлик бўлмаган шароитда тарбияланаётган илгарақ чанқоқ, интилувчан ва шижоатли болаларга келсак, албатта, бундай болаларга мактаб маъмурияти, ўқитувчилар жамоаси, қолаверса, маҳалла ахли жиҳдий эътибор қаратиши лозим. Умуман олганда,

ҳар қандай боланинг қизиқиши, интилиши ва орзу-умидига эътиборсиз қарамаслик керак. Чунки оддийгина эътиборсизлик ҳам боланинг кўнгилни чўктириши, бирор яхши мақсад йўлидаги интилишини сусайтириши, энг ёмони, биз, катталарга бўлган ишончига дарз етказиши мумкин. Ишонч дарз кетган жойда, албатта, ишончсизлик пайдо бўлади. Бола атрофга нисбатан ишончсиз қарай бошлади, демак, унда ўзига нисбатан ҳам ишончсизлик пайдо бўлади.

Менинг назаримда, биз, энг аввало, болаларимиздаги ишонч туйғусини тарбиялашимиз керак. Чунки болаликда инсондаги барча туйғулар пок бўлади. Биз катталар, мактабда ҳам, уйда ҳам болаларимиз қалбида Ватанга муҳаббат, юртга садоқат, миллатдан фахр, келажакка ишонч туйғусини тарбиялаб боришимиз лозим. Бу тарбия жараёни шундай йўлга қўйилиши керакки, фарзандимиз ёки ўқувчимиз, албатта, сизга ишонсин. Бунинг эса учун бундай туйғулар бизнинг ўзимизда шаклланиб бўлиши керак.

Боболаримиз ёшлиқда олинган илмни тошга ўйилган нақшга бежиз қиёслашмаган. Таъкидлаш кераки, ёшлиқда олинган тарбия ҳам, шубҳасиз, тошга ўйилгандек, боланинг онгига муҳрланади. Шундай экан, болаликдан яхшилик йўлида таълим-тарбия олган фарзанддан келажакда ёмон одам чиқмайди. Демак, биз кимнидир "тарбияси оғир"ликда айблашга ҳаққимиз йўқ. Қай бир боланинг ноқобилроқ чиққан бўлса, бу ўзимизнинг айбимиз. Қай бир ўқувчимизда илгарақ қизиқиш бўлмаса,



демак, ўзимиз яхши ўқитмаймиз. Эътибор берган бўлсангиз, ота-оналар ўзларининг қобил фарзандлари ҳақида мактабни гапирадилар. Ҳаққини шундай, ўқитувчилар ҳам кўпчилигини олдида аълочи ўқувчиларини мақташни хуш кўрадилар. Албатта, яхши болани ибрат қилиб

кўрсатиш керак. Лекин бу билан иккинчи бир боланинг дилини оғритиб қўймайлик лозим. Шунинг учун ҳам — онладани, мактабда — имкон даражасида "бу сендан яхшироқ ўқийди ёки бу сендан ақлироқ", деганга ўхшаш сўзларни гапирмаслик лозим. Бу ҳам боланинг ўзига бўлган ишончи поймол

бўлишига олиб келади. Юқоридagi сўзимни яна қайтариб айтман: фарзандларимизни яхши тарбиялаш биз ота-оналар ва ўқитувчиларнинг Ватан, миллат, халқ олдидаги муқаддас бурчимиздир. Яхши тарбия олиш эса, фарзандларимизнинг ҳуқуқидир. Келинг, уларни мана шу ҳақ-

ҳуқуқларини доимо ҳимоя қилайлик. Уларни Ватанга садоқатли, Миллатга муҳаббатли, илм олишда улғу боболаридек шижоатли ва албатта, бахтли бўлишларига ўз ҳиссамизни қўшаёлик.

Раъно ХАМРОЕВА,
ўқитувчи
Хатирчи тумани



Президентимиз Ислам Каримов 24 май кунини Оқсаройда Япония Либерал-демократик партияси Сийёсат кенгаши раиси Гаро Асо ҳамда мазкур партиядан ушбу мамлакат парламентига сайланган депутат Нарийки Накаямани қабул қилди.

Президент Ислам Каримов "Бойсун баҳори" халқаро фолклор фестивали иштирокчиларига сиймий табрик мактуби йўлади.

Тошкентдаги "Интерконтинентал" меҳмонхонасида ер қобиғида нефть-газ шаклланиши ва нефть-газ тўпланишининг геодинамик ҳолатига бағишланган халқаро илмий-техник анжуман ҳамда "Нефть ва газ-OGV-2002" кўргазмаси очилди.

Шу йилнинг 5-15 июн кунлари мамлакатимизда "Экосан" халқаро жамғармаси таъбибуси билан "Экология ва саломатлик" ўн кунлиги ўтказиш режалаштирилган.

Пойтахтимизда «Гибрид» кўёш-шамол тизимлари: уларни самарали қўллаш шартлари» мавзусида халқаро анжуман ўтказилмоқда.

Москвада МДХ ва Болтиқбўйи мамлакатлари киножодкорларининг олтинчи форуми бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистонлик киножодкорлар ҳам иштирок этди.

Ҳадемай "Бухорон" ақшадорлик жамиятида ишлаб чиқарилаётган ширинликлар дўб бозорларини ҳам эълолий бошлади. Бунга Германияда ўтказилган халқаро кўргазма-ярмаркада Бухоро "Пашмак" ҳолақисининг олтин медалга сазовор бўгани катта имконият яратди.

Пойтахтимиздаги "Ўзбекистон парказ" мажмуида "Экспо Италия-2002" кўргазмаси бўлиб ўтди.

Непал қироли Голлендра мамлакат Бом вазири Жер Бахадор Дубе мурожаати билан парламентнинг кўйи палатасини тарқатиб юборди.

Россиянинг Сабир ўрмонларида давом этаяётган ёлғиз ҳудудлари ҳажми уч бараварга қисқартирилишига эришилди.

Инжуман ИНВЕСТИЦИЯ, ИНВЕСТОР ВА ҚОНУНЧИЛИК

Адлия Вазирлигида Ташки иқтисодий фаолият ва хорижий инвестициялар департаменти, Молия ва Ташки иқтисодий алоқалар вазирликлари ҳамда Америка юристлар уюмаси, Япония халқаро ҳамкорлик ташкилоти, шунингдек, бошқа ташкилотлар вакиллари иштирокида хорижий инвестиция ва инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича қонунчиликни такомиллаштириш масалаларига бағишланган халқаро анжуман бўлиб ўтди.

Иқтисодийётимиздаги муҳим юқолишлардан бири мулк шаклининг ўзгариши. Бир сўз билан айтганда, хусусий тармоқнинг ривожланиши хорижий сармоядорларнинг мамлакатимизга қизиқини кўнатиришга мўлжалланади. Дунёнинг кўпгина молия ташкилотларининг айнан хусусий тармоқни ривожлантириш учун инвестиция қилишига тайёр экани ҳам мамлакатимизда амалга оширилаётган хусусийлаштириш сиёсатининг нечоғлиқ тўғри йўлда эканлигини аниқлашга ёрдам беради. Иқтисодийётимизда хорижий инвестицияларнинг жалб этилиши борасида бугунги кунда мамлакатимизда тегишли шарт-шароит яратилган. Шунга қарамай, ўтган йили жалб этилган инвестицияларнинг умумий ҳажмидан фақат 13,4 фоизи иқтисодийга бевосита киритилди.

Норгул АБДУРАИМОВА,
журналист

"Олтинсой" ширкат ҳўжалиги Хатирчи туманининг шимолий ҳудудида жойлашган бўлиб, асосан қора майиз ва ангор эчкиси билан маш-хурдир. Маҳаллий аҳоли чорвачилик, деҳқончилик ва хунармандчилик билан шуғулланади. Қир-адирлардан иборат бўлган ҳудудда 15 минг нафардан зиёд аҳоли яшайди. Ҳўжаликда 56 минг гектар ер майдони мавжуд бўлиб, унинг 12 минг гектари лалми ерларидан иборат. Бу ерларнинг аксарияти қисми 15 дан зиёд фермер ҳўжаликларига бўлиб берилган.

"Олтинсой"нинг кўз илгамас адирлари-ю, баланд тоғларига чиқиб, атрофга назар ташласангиз, бахри-дилнинг очилди. Хавонинг мусофалигиндан қўнғил яйраб кетади. Бошқаларни билмадим-ю, аммо шахарлик кишига табиятни

кам бўлмадинглар. Кейинги пайти-да менда бир фикр тугилди. Шир-кат ҳўжалиги раиси билан ҳам мас-лаҳатлашдим. Фермер ҳўжалиги ташкил этсак, дегандим. Шунга нима дейсан, ўғлим? — Тўғри ўйлабсиз, ота, — деди ўғли пиледадаги чойни узатаркан, — оиламизда 30 дан зиёд жон бор. Ака-укаларимнинг кўпчилиги бекор юришибди. Қўлни-қўлга бериб иш-ласак, фермер ҳўжалиги ҳаммаим-зини ишли қилади. Айниқса, ер ол-сак, чорваимиз ҳам, деҳқончилиги-миз ҳам ривожланади.

— Ақлингга балли, болам — деди Пулат ака Умрзоқнинг сўзини қу-ватлаб. — Биласан, мен кўп китоб ўқийман. Айниқса, Ойбекнинг "Қут-лук қон" романида ер ҳақидаги бир гап ҳеч ҳам ёдидан чиқмайди. Унда Мирзақаримбой жияни йўлчини ёни-

ришганимиз бўлсин. Шундай орау-хаваслар билан Мингбоевлар оиласи ҳўжат кўта-риб, елиб-югуришди. Орадан кўп ўтмасдан "Феруза-2000" фермер ҳўжалиги ташкил толдди. Унга Умр-зоқ Мингбоев раҳбарлик қилди. Фермер ҳўжалиги ҳисобига 100 беш ангор эчкиси, 5 беш от ва беш беш қорамол сотиб олинди. Энди-ги мақсад ўзлари аввалдан меҳнат қилиб юрган Шадиқроқой атрофи-дан фермер ҳўжалиги учун ер олиш эди. Бунинг учун ширкат ҳўжалиги раҳбари номига арива ёзишди. Улар-нинг ариваси ширкат ҳўжалигининг 2000 йил 6 апрел кунги вақилини йилгилишида қўриб қилди. Фермер-ларга ем-хашак етиштириш учун 32 контурдан 50 гектар, шундан 11 гектар шартли сўғориладиган экин майдони, 10 гектар лалми

Жўраев, Қажрамон Жумаев, Элму-род Жумаев, Эшмурод Назаров, Бахтиёр Рўзиевларга ўзбошимчилик билан ҳўжалик ҳосилоти Р. Фармо-нов томонидан тақсимлаб берил-ди. Улар ерни олишди-ю, лекин ҳў-жаликка бир пуллик нафи тегмади. Ҳўжаликда фермер ҳўжалигига катта за-рар етди. Натижанда фермер ўзига ажратилган ер майдонининг бир қисмидан бир йилдан ортиқ фойда-лана олмади. Бу масалада кишлоқ фуқаролар билан кўнглихирликлар бўлди. Бу низолардан кейин фер-мер ҳўжалиги ер участкасининг тош-дан тўрилган чегара деворлари бу-зиб ташланди. Кишлоқда яшовчи Б. Раббимов ҳамда Б. Жумаевлар то-

Ажаб savdolar

ЕРСИЗ ФЕРМЕР

ЎКИ
СУНЬИЙ ТЎСИҚ КЕЛТИРГАН САРГАРДОНЛИК ХУСУСИДА

томоша қилиш, унинг ҳавосидан на-фас олиш алоҳида хузур бағишлай-ди. Гузал табиятга маҳлиб бўла-сиз. Шу ерларда бир умр яшашни истаб қоласиз...

га чақириб шундай деган: "Жия, ерни сотиб чакки қилибсан. Ер сот-ган эр бўлмайди, эл ер сотмайди. Мана бу гапнинг маъини чак... Ерда ҳам ҳосият қўн. Ер тугади. Ерга чўғи-тиб қўйсанг, қўқариб, қўлчига си-емас дарахт пайдо бўлади. Пулчи, пул ҳам тугади. Пул асов қўшга ўхшай-ди. Сал бўш тугдингми, қўнғиндан учди кетади. Ер ҳам тугади, ҳам пулча киши солади. Ер олган қўқар-ради, ер сотган қўриди. Мана бу гапнинг маъини чак жиян!". Ҳар гап китобни қўлига олганимда, шу пар-қимат жўмаларни ўқиганимда, уни қайта-қайта таққорлагим келади. Уни оқилди. Демак, бизнинг ҳам ишлай-диган, фойдали иш қиладиган давр кел-ди. Шундай эмасми, ўғлим!

ва 29 гектар яйлов ажратиш тўғри-сида қарор қабул қилинди. Шундай қилиб, ширкат ҳўжалиги раиси Тўлқин Тожимуродов билан фермер Умрзоқ Мингбоевлар ер уч-асткасини 10 йил муддатга фойда-ланиш учун шартнома тузишди. 29 апрел кунини эса Хатирчи туман ҳоки-ми Эркин Тўрдумовнинг "Феруза-2000" фермер ҳўжалигига ижарага 50 гектар ер ажратиш тўғрисидаги қарори чиқди.

Муштарийлар бу сўзларни ўқиб, ҳўжалик раисига ҳам, ер олган фер-мерга ҳам баракава, гап бундоқ бўлибди-да, дея бектиёр қарсақ ча-либ юборишдан бўлишса керағов. Хай-ҳай, бир наф шошмай турин-глар. Гапнинг индаллоси ҳали олдин-да. Ер моҳароси энди бошланади.

Фермернинг хурсандчилиги бир зумда қилпақка чиқди. Нега деган-да, фойдаланиб турган суваби ер-нинг бир қисмига бошқа эга чиқди. Гап шундаки, анангага ер Дилшод

Xabar КОНСТИТУЦИОНАЛЬНЫЙ ҚОНУН МОҲИЯТИ

Тошкент давлат юридик институтида "Рефе-рендум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий қонунини ўрганишга бағишлан-ган набатдаги илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

Семинарда Республика "Маънавият ва маърифат" маркази ходимлари, унинг Қорақалпо-ғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўлимлари, шунингдек, Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳри туман бўлимлари раҳбарлари, ҳуқуқий тарғибот ва маънавият масалалари билан шуғулланувчилар, институт профессор-ўқитувчилари, тадқиқотчилар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикасининг "Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғриси-да"ги Конституциявий Қонунини ўрганиш, уни илмий-назарий жиҳатдан таҳлил этиш, жойларда қонун моҳиятини кенг жамоатчиликка тушунти-риш, Олий Мажлисининг Сенати (қокори палата) ва Қонунчилик палатаси (қўйи палата) тўғрисида-ги қонунлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш, ҳажон парламентлари таърибасини ўрганишга олима-лар, амалиётчи мутахассисларни жалб этиш ва бу соҳадаги ҳуқуқий тарғиботни кенгайтириш семинар катнашчиларининг диққат марказида бўлди.

Мурод ХОШИМОВ

ЎЛГОН ГУВОҲЛИК

УНГА НИСБАТАН ҚОНУНДА ҚАНДАЙ ЖАВОБГАРЛИК БОР?

Маълумки, жиноятларни тез ва ҳолисона очиб, фош этишда гувоҳлар, экспертларнинг берган кўрсатмалари алоҳида аҳамият касб этади.

Шу ўринда табиий бир савол туғилади: хўш, агар жиноят процесси иштирокчилари ёлгон кўрсатма берса, уларга нисбатан қонунда қандай жавобгарлик бор?

Куйида ана шу ҳақида фикр-мулоҳаза юритамиз. Дарҳақиқат, Жиноят Кодексининг «Одил судловга қарши жиноятлар» боби 238-моддасида ёлгон гувоҳлик берганлик учун жавобгарлик масаласи назарда тутилган.

Суриштирув олиб бориш, дастлабки тергов ёки ишчи судда қўриш вақтида гувоҳ ёки жабрланувчининг бида туриб, ёлгон кўрсатма бериши ёхуд экспертнинг бида туриб нотўғри хулоса бериши, шунингдек, бир тилдан иккинчи тилга бида туриб, нотўғри таржима қилиш ёлгон гувоҳлик бериш саналади.

Ёлгон гувоҳлик бериш ўз навбатида одил судловни амалга оширишда суд, прокуратура, дастлабки тергов суриштирув идораларининг фаолиятига тўсиқлик қилувчи фаолитат ҳисобланади.

Гувоҳ, жабрланувчи, эксперт

вақтида бўлган воқеаларнинг айрим қисмини ўз бўйича олдани билан қўришга ҳаракат қилиш. Аммо олиб бориладиган тергов ҳаракатлари натижасида аниқлаштириш, ушунга гуруҳ аъзолари томонидан ўсимирнинг агар содир қилинган жиноий фаолиятнинг айрим қисмлари бўйича қўришга олинган, катта миқдорда пул берамиз деб алданганлиги маълум бўлади.

Бундан ташқари, амалиётда жабрланувчининг ҳам ёлгон гувоҳлик бериш ҳоллари кўп бўлади.

ЖПКнинг 54-моддасида белгиланишича, жиноий, шунингдек, ижтимоий хавфли қилмиш оқибатиде маънавий-жисмоний ёки мулкий зарар қўриган шахс жабрланувчи деб аталади.

Жабранувчи гувоҳлик бериши, далиллар тақдим этиши, ёрдам сўраш ёки ёрдамдан воз кечиш, дастлабки тергов тугагандан сўнг иш материаллари билан танишиш, биринчи ва қасасий суд мажлисларида қатнашиш, ЖПКнинг 55-моддасида назарда тутилган жазони енгиллаштирувчи ҳолатлардан фойдаланиши мумкин.

Яна бир гувоҳлик берувчи жиноят процессида иштирок этган эксперт ҳисобланади.

Жиноят ишчи хал этишдаги илмий, техникавий ва бошқа

махсус масалаларга оид хулосалар тайёрлаш учун зарур билмиларга эга бўлган шахс экспертдир (ЖПК 67-модда). У махсус билмилардан фойдаланиб ҳар томонлама тадқиқ этиш асосида объектив хулоса чиқаради ва маъжур экспертиза хулосаси учун шахсан жавоб беради. Экспертнинг хулосаси суд, прокурор, терговчи ёки суриштирув ўтказувчи шахс томонидан иш вазиятига қўра текширилади.

Агар гувоҳ ёки жабрланувчининг прокурор, суд дастлабки тергов ёки суриштирув идораларига берган кўрсатмалари вакилликка тўғри келмаса, ёлгон деб топилди. Масалан, жабрланувчи айбдор шахсга эски адовати натижасида уни ўзининг мол-мулкни ўғирлаганига қўришга ёки ўзи йқилиб туриб олган шикастни айбланувчидан қўриб туриб берган кўрсатмалари ёлгон деб топилди. Бундай ёлгон гувоҳлик берганлиги учун эса жавобгарлик масаласи қўрилади. Экспертнинг ёлгон хулосаси текшириш натижаларини нотўғри баён этиш, илгари хулосада жиноятнинг айрим томонларини ёлгон изоҳлашда намоён бўлади.

Эзма ҳужжатлар, уларнинг тасмасидаги ёзувлар, гувоҳлар,

жабрланувчи, айбланувчи ва ҳоказоларнинг оғзаки кўрсатмаларининг маъноси бузилганда, нотўғри таржима деб топилди. Қонунчи, ёлгон таржиманинг билатириб, ёлгон таржима қилганлиги учун жавобгарлик назарда тутилган.

Таъкидлаш жоизки, ёлгон гувоҳликнинг барча турлари жиноят бўлиб, улар ёлгон кўрсатма, хулоса берилган ёки таржима қилинган пайтдан бошлаб уларнинг исбот учун қабул қилинган қилганимағанидан қатъий назар таомилланган деб ҳисобланади. Ёлгон гувоҳлик беришда гувоҳ, жабрланувчи билатириб нотўғри кўрсатма беради ёки эксперт билатириб нотўғри таржима қилади.

Жиноят Кодексининг 238-моддасининг иккинчи қисмида оғирлаштирувчи ҳолат белгиланган бўлиб, унда суриштирув олиб бориш, дастлабки тергов ёхуд ишчи судда қўриш вақтида гувоҳ ёки жабрланувчининг ёлгон кўрсатма бериши ёки экспертнинг ёлгон хулоса бериши ёхуд таржимонини нотўғри таржима қилиши учун пура эвазига ундириб олиш, шулоада жиноятнинг айрим томонларини ёлгон изоҳлашда намоён бўлади.

Эзма ҳужжатлар, уларнинг тасмасидаги ёзувлар, гувоҳлар,

ўринда оғдириб олиш ҳолати нима деган савол туғилиши табиий. Оғдириб олиш — бу гувоҳ, жабрланувчи, эксперт, таржимоннинг ёлгон кўрсатма, хулоса ёки ноаниқ таржима бериш учун уларга мулкий ҳаракатдаги нарсага берилган ёки ҳаракатнинг содир этилиши демакдир.

Рухий таъсир шаклидаги мажбурурлар уларга ёки уларнинг яқин қариндошларига зўравонлик қўриштириш, тан жароҳати етказиш, ундириш, мулкни йўқ қилишда намоён бўлади.

Калтаклаш ёки бошқа ҳаракатлар воғга етмаган шахсларга айбдорга аён бўлган ёки айбдорга ёрдамга муҳтожлиги аён бўлган шахсга ёки уларнинг қариндошларига нисбатан ёлгон гувоҳлик бериш мақсадида содир этилса, унда ушбу қилмиш жиноятлар ЖПКнинг 110-моддаси 2-қисми ва 238-моддаси 2-қисми бўйича жавобгарликка тортилади.

Шу ўринда ёлгон гувоҳлик бериши ёлгон мабери бериш билан адаштирилмаслиқ лозим. Ушбу икки жиноят бир-биридан ўзига ҳок жихатлари билан фарқланади.

Хулоса сифатида айтадиган бўлсак, бугунги кунда одил судловни амалга ошириш, жиноятларни тез ва тўла очиб боради гувоҳлар, жабрланувчилар, экспертларнинг кўрсатмаси жуда муҳим аҳамиятга эга. Қўрсатмаларнинг ҳақиқий ва одилона бўлиши фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини қай даражада шакллантиришига ҳам боғлиқдир.

Аброр БЕРДИЕВ, ҳуқуқшунос

Siz bunga nima deysiz?

ГИНА-АДОВАТДАН ҚЎЙИЛГАН ТЎСИК

Оддий иш кунларининг бири эди. Булунғур тумани «Дўстлик» ширкат хўжалигида яшовчи Топшўлат Салимов деган киши хонамга кириб келди. Бундан икки-уч кун муқаддам Нафиса исми ёш жувон эри Аҳорор Маҳмоновдан туғилган бир нафар фарзанди — Одилжон учун нафақа ундириб беришни сўраб судга давво аризаси берганди. Топшўлат ака Нафисанинг отаси экан.

— Қизим алимент ундириб беришни сўраётган турмуш ўртоғи туғилган укамнинг ўғли бўлади, — деди Топшўлат ака. — Аслида қизимнинг укамнинг ўғлига бермоқчи эмасдим. Лекин қариндошлар, айниқса, укамнинг ўзи уймага келиб, ота-онадан икки ўғилмиз ака, қизлар ўз ўғлига, бизни бу дунёга ҳеч қим богдаб қўймаган, вақти-соати етиб биз ўтиб кетсак ҳам болаларимиз бир жойда бўлишимиз, дея ҳол-жонимга қўймади. Қизимни Аҳорорга бердим.

Бирок улар қишлоқда. Қизим уйга қайтиб келди. Мен ҳайрон бўлиб, ёш оиласи соғувчилик оралагани сабабларини ахтара бошладим. Қизимни келин қилгунга қадар биздан кейин орқанда қолувчилар ташвишини қилган, нариги дунёни ўйлаб юрган укам ҳар икки дунёни ҳам унутди. Қўни-қўшини, маҳалла оқсоқоллари аралашса-да, фойдаси бўлмади. Мен бир кун келиб қариндошлик ришталари боғлиғи ва ёшлар яхши яшаб кетишидан умидвор эдим. Ҳато ўйлаган эканман. Укам ота-онамизнинг арвоҳларини чирқиллатиб, иккалаимизни, бир қориндан талашиб тушганимизни, туғилган жойимиз-у, борар сўнги манзилимиз бир эканлигини унутиб, ўғлига бошқа келин туширди...

Қизим ўзини қўярга жой тополмай қолди. Қариндошлар ва укамнинг гапига кириб қизимни бахтсиз қилиб қўйганимдан ўта афсусдаман. Қизим Нафиса ҳеч жойда ишламайди. Қувё йигит янги рўзгор ташвишидан. Уртала-

ридаги бир нафар фарзанд ота йўлга кўз тикади. Биз ота-онадан икки ўғил фарзанд бўлгани ҳолда бир-биримизнига қадам босмас бўлиб қолдик. Биргаликда ота-онамиз чироғини ёқолмаймиз. Бир кўчада яшаб, гина-адоватдан ўтиб бўлмас тўсиқ қўйди. Бунга фарзандларимизнинг турмуш қурганлиги сабаб бўлди.

Топшўлат ака бир пас жим қолди. Фикрини бир жойга тўплади шекилли, пийлабда совиб қолган чойни хўплаб, сўзида давом этди.

— Укамники янги келин бўлиб тушган киз ва унинг ота-оналари Аҳорорнинг уйлари, ўғли борлигини ҳай-ёлларига келтирмаганлигини ўйлаб, ўйимнинг охирига етолмайман. Булунғурда никоҳи суд орқали қоний бекор бўлмаганлар агар уйлари, муллалар никоҳ ўқимасликларини эшитганман. Шарият бўйича никоҳдан ўтмаганлар қўшилиши гуноҳ эканлиги, улардан туғилган фарзанд қанақа аталиши бор гап-ку! Азалдан ҳамма касофатлар номаҳрамдан туғилган фарзандлардан келиб чиққанлига мисоллар қўй-ку?

Топшўлат акага тасалли беришга ҳаракат қилдим. Энг яхши даво вақт эканлигини айтдим. Вақт ўтиб, ҳаммаси изга тушиб кетишини уқтирдим. Аммо нима бўлганда ҳам, қизимни ўйга толдирадиган ҳолат эди бу.

Оила Кодексининг 16-моддасида насл-насаб шажараси бўйича туғилган қариндошлар ўртасида қайд қилинган никоҳ қонунга қўра никоҳ тузишга монелик қилинадиган ҳолат эканлиги айтилган. Нафиса билан Аҳорор маъжур Оила Кодекси амалга киритилмасдан аввал турмуш қуришган бўлсаларда, тиббиёт нуқтаи-назаридан туғилган қариндошлар ўртасида никоҳ тузилиши ман этилишини ФХДБ бўлими ҳодимлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари фаоллари билишарди-ку? Шундай эмасми?!

Д. БРОХИМОВ

ТАҲРИРИЯТДАН: Мухтарам газетхон! Мана, куйган отанинг ҳасратидан воқиф бўлдингиз. Биз Жомби ту-манлараро фуқаролик ишлари бўйича суд раси Дамин Иброҳимов қаламга олган воқеа иштирокчиларининг номларини ўзгартириб келтирдик, ҳолос. Воқеа ва унинг иштирокчиларига сизнинг муносабатингиз қандай?

“ҚЎЙЛАРИМИНГ ПУЛИНИ КИМ ТЎЛАЙДИ?”

Утган йили 12 ноябр куни уйимдаги 21 бош қўйимни ўғрилар ўғирлаб кетди. Туман ички ишлар ҳодимларининг тезкор ҳаракатлари натижасида тезда ўғрилар топилди. Тергов давомида ўғрилар айбига тўлиқ иқдор бўлиши ва жиноят ишлари бўйича Кумўрғон туман суди уларга қонуний жазо тайинлади. Суд 21 бош қўйни бир миллион олти миң миңг сўмга баҳолади ва шу миқдордаги зарарни судланувчилар — Б. Исмоилов, И. Тожиев ва З. Омоновлардан тенг шериклик тартибиде ундириш ҳақида ҳукм чиқарди. Аммо ҳукмин ижро этишда муаммо туғилди. Гап шундаки, ўғрилар турли муддатга қамоқ жазосига ҳукм этилди. Уларнинг қариндош-уруғлари эса зарарни тўламаймиш, дейишмоқда. Газетага шикоят ёзишдан мақсад шуки, қўйларнинг пулини энди ким тўлайди, деган саволига жавоб топишдир. Очиги, ижросиз қарордан менга не наф бор? Бу борада менга маслаҳат ва ёрдам берайсизлар деган умидаман.

Аброр ХЎЖАҚУЛОВ, Сурхондарё вилояти, Кумўрғон тумани

“СИМ-СИМ, ЭШИГИНГИ ОЧ...”

Чироқчи туман ҳокимининг 1998 йил 29 июндаги қарорига асосан туман марказий бозорига қарашли тижорат бозорига Йўлдош Оқунбоёв номидаги кўча томонидан пивдалар қирадиган эшикнинг икки ёнидан савдо дўкони қўриган эдим. Бу жой илгари ташландиқ эр эди. Бу жойдан дўкон қўришда туман ҳокимининг ўринбосари И. Абдигарфоров, туман давлат ер кадастри бошқармаси бошлиғи М. Хайитов, туман бош мезмори Ф. Умаров, туман табиати мўҳофазаси қилиш давлат қўмитаси раси З. Боймуродов, туман ёнғиндан сақлаш давлат назорати бошлиғи Б. Шукуровлар имзо чеккан чизма, режисса асосида иш олиб бордин. 1997 йил ноябр ойида туман ҳокимлиги бош мезмори томонидан тасдиқланган ҳуқусий савдо дўкони қўрилиши лойиҳасида ҳам тижорат бозорига пивдалар ўтадиган эшикнинг сурат ва чизмалари қўриштирилган эди. Лекин утган йили қўзда “ҳамма пахта йиғим-теримига чиқиш керак”, деган баҳона билан туман деҳқон бозори мазмурияти томонидан маъжур эшик ёпиб ташланди. Оиламиз билан бироз қийналсак-да, “пахта йиғим-терим мавсуми 1-2 ойда тугайди, шундан сўнг эшик очилади”, деб ўйлаб индамдик. Бирок афсуски, хозирга қадар бозор ҳамда туман раҳбариятига бир неча марта муножаат қилишимизга қарамай, эшикни очинмапти. Мени бир нарсга қизиқтиради, хўш, эшикни тибалаб ёпиб ташларкан, унда оиламизни катта ҳаражатга туширишнинг ким манфаатдор экан? Унда нега у ердан дўкон қўриш учун жой беришди? Агар бу эшик очилмаса, дўконга ҳеч ким яқин ҳам йўламайди. Бу эса бутун бир таъбиркорлик фаолиятининг инқирозига оғз тутиши деган гап. Бу ҳаракатлари билан базми раҳбарларнинг фаолияти Президентимизнинг таъбиркорлигини қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги Фармонлари ва Вазирлар Маъжмаси қарорларига эид эмасми? Бундан ташқари, улар ўз манфаатлари йўлида фуқароларнинг қонунларга бўлган ишончини сувайитиб қўймаптими? Ана шу саволларга таҳририятдан жавоб қўлиб қоламан.

Зулайхо ҲОЛИҚУЛОВА, Чироқчи тумани

Mitti maslahat

НИКОҲНИ БЕКОР ҚИЛИШ

Маълумки, Оила Кодекси моҳият-этибори билан оилани мустаҳкамлаш, оналик, оталик ва болаликни давлат томонидан муҳофазаси қилиш бўйича конституций меъёрларга асосланган. Оилани мустаҳкамлаш, янги ижтимоий-иқтисодий шароитларда оила аъзоларининг манфаатларини ҳимоя қилиш, воғга етмаган баолалар ва меҳнат қилаётган оила аъзоларини ҳимоялашнинг устунилиги назарда тутиш унинг асосий мақсадлари ҳисобланади.

Никоҳдан ажратилиш юзасидан ишлари қўришда Оила ҳамда Фуқаролик процессуал қонунларини қўллашда айрим ҳатолар ҳам учраб туради. Шу муносабат билан Олий суд Пленумининг “Судлар томонидан никоҳдан ажратилиш ҳақидаги ишларни қўришда қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисида” 1998 йил 11 сентябрдаги 22-сонли қарориде берилган айрим малакали тушутиришлар ҳақида тўхталиб ўтимоқчимиз.

Бугунги кунда оналик ва болаликни муҳофазаси қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилиган, бу борада қўламли ишлар амалга оширилганга ҳар биримиз гувоҳимиз. Шу сабабли йўқориде таъкидлаб ўтилган Олий суд Пленуми қарорининг 3-банди шубҳасиз инсонпарварлик моҳияти билан ажратиб туради. Унда таъкидланганидек,

Рухи учун масъул: ҳуқуқшунос Т. ҚОҲҲИДИЕВ

хотин никоҳдан ажратилишга ўзарозини бўлган ҳолларда бу масалани ҳал қилишда чигалликлар учраб туради. Чунки ўртада воғга етмаган болалар бўлма-са-да, хатто эр-хотин никоҳдан ажратилишга рози бўлган тақдирда ҳам, баъзан улар ариза беришган, белгиланган муддатда ёки умуман ФХДБ идорасига келмасликлари ҳолати ёки аризага даъво қўзғатишга ҳақли эмас. Ушбу қоида бола ўлик туғилган ёки бир ёшга яшамай вафот этган ҳолларга ҳам татбиқ қилиниши лозим. Никоҳдан ажратилиш тўғрисидаги ишчи қўзғатиш учун хотиннинг розилиги бўлмаса, суд эридан даъво аризасини қабул қилишни рад этади, агар қабул қилинган бўлса, иш юргизишни тугатади. Хотин судда иш қўзғатишдан олдин эрининг аризаси бўйича никоҳдан ажратилишга розилик бериб, ишчи қўришда унга қаршилик билдирса ҳам иш юртиши тугатиш лозим бўлади. Агар хотиннинг ҳомилдорлиги ва никоҳдан ажратилишга розилиги йўқлиги ишчи қасасия ёки назорат босқичида қўриш вақтида маълум бўлиб қолса, иш юртиши босқичида тугатилиши лозим”. Чинакамга она ва бола манфаатини ўзида муҳим ҳиссам этган ҳузат ҳол! Амалиётда судлар ва ФХДБ идоралари ўртасида воғга етмаган болалари бўлмаган эр-

хотин никоҳдан ажратилишга ўзарозини бўлган ҳолларда бу масалани ҳал қилишда чигалликлар учраб туради. Чунки ўртада воғга етмаган болалар бўлма-са-да, хатто эр-хотин никоҳдан ажратилишга рози бўлган тақдирда ҳам, баъзан улар ариза беришган, белгиланган муддатда ёки умуман ФХДБ идорасига келмасликлари ҳолати ёки аризага даъво қўзғатишга ҳақли эмас. Ушбу қоида бола ўлик туғилган ёки бир ёшга яшамай вафот этган ҳолларга ҳам татбиқ қилиниши лозим. Никоҳдан ажратилиш тўғрисидаги ишчи қўзғатиш учун хотиннинг розилиги бўлмаса, суд эридан даъво аризасини қабул қилишни рад этади, агар қабул қилинган бўлса, иш юргизишни тугатади. Хотин судда иш қўзғатишдан олдин эрининг аризаси бўйича никоҳдан ажратилишга розилик бериб, ишчи қўришда унга қаршилик билдирса ҳам иш юртиши тугатиш лозим бўлади. Агар хотиннинг ҳомилдорлиги ва никоҳдан ажратилишга розилиги йўқлиги ишчи қасасия ёки назорат босқичида қўриш вақтида маълум бўлиб қолса, иш юртиши босқичида тугатилиши лозим”. Чинакамга она ва бола манфаатини ўзида муҳим ҳиссам этган ҳузат ҳол! Амалиётда судлар ва ФХДБ идоралари ўртасида воғга етмаган болалари бўлмаган эр-

Shikoyat va taqdir

ЕТТИ ЙИЛЛИК МОЖАРО

Тўртқўл туманидаги Шароф Рашидов номидаги жамоа хўжалигида истиқомат қилувчи Фуқаро Машариф Йўлдошев Қорақалғонистон Республикаси Ички Ишлар вазирлиги аттестация комиссияси хулосаси асосида 1996 йил 1 июл куни ишдан бўшатилган. Шундан бўён у ўзининг ишдан бўшатилиши ва аттестация комиссиясига оилавий можаро сабаб бўлганини пеш қилиб, Қорақалғонистон ва Ўзбекистон Республикасининг турли идоралари ва оммавий ахборот воситаларига тўхтовсиз шикоят эямқода. Жумладан, у таҳририятга ҳам ариза ёзган. У билан уршаганимизда бизга қўллаб-қувватлаш ташиқлотларнинг жавобларини қўрсатди. Уларни ўқиб чиқиб, шикоятчи билан боғлиқ можаронинг биргина жиҳати ҳусусида сўз юртишини лозим топдик. Ёни, шикоятчининг ички ишлар хизматида нима ўрни бушатилаганини таҳлил этиш ўрнига унинг оилавий аҳоли билан қизиқди. Шикоятчининг айтишича, хотини билан 14 йил мобайлида ақил шахс, олти нафар фарзанд қўришган. Шундан сўнг оилавий можаро келиб чиққан ва эр-хотин суд орқали ажрашган. Суд ҳукмига мувофиқ фарзандларнинг уч нафари онаси, уч нафари эса отаси қарамогига берилган.

Шу боис биз шикоятчи қарамогидеги уч нафар фарзанднинг яшаш шариоти билан танишдик. Бирок она томондаги болаларнинг аҳолини қўриш имкони бўлмади. Ҳар ўчала боланинг афт-ангоридан қўнгли ўқислиги сезилиб турарди.

Шикоят хати муаллифидан “мана, етти йилдирки, ишлаганганимиз, қандай тирикчилик қилмасиз”, деб сўрадик.

— Отамдан қолган томорка бор. Ундан чиққан мева-чева ва бугдой ҳисобига кун кечириб турибмиз. — У ёқдаги фарзандларининг ҳолидан хабардоримиз? — Билмадим, катта қизимиз бўлтур ўқини тугатган, қолганлари мактабда... — Уйингиздаги қизингиз ўқини нега ташлаб

кетди?

— Фарзандлар учун оилани қайта тиклаб бўлмайдим?

— Бу гапни собик хотиним ҳам келиб айтган. «Бугун арашасак, ишга эртанга қайтадан тикланмасиз», деган. Лекин мен розилик бермадим. Бунинг бир неча сабаблари бор...

Шикоят хати муаллифи айтган сабабларни қозғашга туширишга иштирок қилдик. Чунки ўртадаги олти нафар фарзанднинг кейинги тақдирини ўйладик.

Шикоятчининг гапларини эшитиб, шундай қарорга келдик: ажратилиш ва ишдан бўшатилиш масалаларини мутасаддиқ идоралар ҳал этади. Шу боис бу масалани таҳлил этиш мақсадини ўқиб, Лекин ўртада болалар бор. Демак, табиий савол туғилади: уларнинг эртанги тақдирини нима бўлади? Уларнинг тақдирига оиладаги можаро сабаб баъзилари ота, айримлари онага эрга бўлиб, қўнгли ярим ҳолда ўсаётганини нима билан тулдирши мумкин? Давоғарга ўз ҳаққини талаб қилиб, вазифасига қайта тиклаш унинг умидида қўравериши мумкин. Лекин бу ёқда фарзандлар тақдирини ҳам қўри-ку?

Зеро, келгуси авлод тақдирига бефарқ бўлишга ҳеч кимнинг ҳақи йўқ-ку!

Ана шу оддий ҳақиқатни Машариф Йўлдошевини ишдан бўшатган мутасаддиқлар тушунамайди дегисизми? Уни истеғфога чиқариш имкони бўлмаса, бошқа енгилроқ ишга жойлаштириш ёки нафақа пулларини чиқариб бериш имкони бор эди-ку?

Хулоса ўринда бир мулоҳазани билдириб ўтсак: Шикоят хати муаллифи — Машариф Йўлдошев ҳам идорам-идора шикоят ёзиш ўрнига, олти нафар фарзанд тақдирини ўйлаш бўлар-миди... Зеро, шунда у ҳам оталик вазифасини баҳардан, ҳам етти йилга қўзилган можарога яқун ясалган бўлар эди.

Ўзбой АБДУРАҲМОНОВ, “Инсон ва қонун” муҳбири

Хозирги пайтда иқтисодиётнинг муҳим бўғини ҳисобланган сугурта тизими дастлаб Англияда вужудга келган. Шу боис маъжур соҳа ҳақида гап кетганда Англия сугурта тизими тез-тез тилина олинади.

Англиянинг амалдаги давлат ижтимоий сугурта тизими 1942 йилда таниқли иқтисодчи У. Бевридге ишлаб чиққан. Маъжур тизим аҳолини кўпбал ижтимоий тавассулчилардан ҳимоялаш борабариде қарилғи туфайли меҳнат қобилиятини йўқотган ногирон ва ишсиз кишиларга ижтимоий жиҳатдан ёрдам беради. Хусусан, тиббий даволаниш, касал бўйича қайта тайёрлаш, болалар ва болалик аёлларга тўланадиган нафақа, боқувчисини йўқотган ва ажралиб кетган оилаларнинг бола-ларига бериладиган ёрдам пуллари ҳамда дафти билан боғлиқ ҳаракатлар давлат сугурта тизими ҳисобидан қопланади.

Утган асрнинг охирида Англия ҳукумати мамлакат ижтимоий сугурта тизими ва ижтимоий таъминот соҳасини ўзгартириш ижтимоий-иқтисодий шариотга мослаштирди. Бунинг асосида универсал нафақа, танланган нафақа тўлаш

каби янгиликлар жорий этилди. Шунингдек, давлат ижтимоий сугурта тизими орқали қарилғи туфайли пенсияга чиққан, ишсизлик туфайли ўз даромадидан ажралган, касаллиги туфайли ногирон бўлиб қолган, боқувчисидан ажралганларга нафақа пули тўланадиган бўлди.

Янгиликлардан яна бир шубҳа бўлдики, мамлакатда ёшига қараб пенсия тўлаш қатъий равишда жорий этилди. Энг қўнгли меҳнат қобилиятини йўқотган ногирон ва ишсиз кишиларга ижтимоий жиҳатдан ёрдам беради. Хусусан, тиббий даволаниш, касал бўйича қайта тайёрлаш, болалар ва болалик аёлларга тўланадиган нафақа, боқувчисини йўқотган ва ажралиб кетган оилаларнинг бола-ларига бериладиган ёрдам пуллари ҳамда дафти билан боғлиқ ҳаракатлар давлат сугурта тизими ҳисобидан қопланади.

Утган асрнинг охирида Англия ҳукумати мамлакат ижтимоий сугурта тизими ва ижтимоий таъминот соҳасини ўзгартириш ижтимоий-иқтисодий шариотга мослаштирди. Бунинг асосида универсал нафақа, танланган нафақа тўлаш

каби янгиликлар жорий этилди. Шунингдек, давлат ижтимоий сугурта тизими орқали қарилғи туфайли пенсияга чиққан, ишсизлик туфайли ўз даромадидан ажралган, касаллиги туфайли ногирон бўлиб қолган, боқувчисидан ажралганларга нафақа пули тўланадиган бўлди.

Янгиликлардан яна бир шубҳа бўлдики, мамлакатда ёшига қараб пенсия тўлаш қатъий равишда жорий этилди. Энг қўнгли меҳнат қобилиятини йўқотган ногирон ва ишсиз кишиларга ижтимоий жиҳатдан ёрдам беради. Хусусан, тиббий даволаниш, касал бўйича қайта тайёрлаш, болалар ва болалик аёлларга тўланадиган нафақа, боқувчисини йўқотган ва ажралиб кетган оилаларнинг бола-ларига бериладиган ёрдам пуллари ҳамда дафти билан боғлиқ ҳаракатлар давлат сугурта тизими ҳисобидан қопланади.

